

*Мустақиллик иншоотларида*

## ҚОРОВУЛБОЗОР: ҲАЙДОВЧИЛАР КЎМАГИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши мамлакатимиздаги энг зарбдор қурилишлардан бири. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган республикамиздаги кўплаб ташкилотларнинг қурувчилари, ҳайдовчилари, пайвандчилари иншоотнинг тезроқ қад ростлашида катта ҳисса қўшмоқдалар.***

***Бойсун туманидаги 110-автосарой жамоаси ҳам нефть заводи қурилишида фаол иштирок этмоқда. Ҳозирда автосаройга қарашли 26 та юк автомобили Бухоро нефтчиларига яқиндан кўмак бўлаяпти.***

***Суратларда: автосарой бошқаруви раиси Қ. Қурбонов (ўртада), ҳайдовчилар И. Ҳасанов, Э. Худойқулов ва Ҳ. Нарзуллаевлар билан эртанги иш режалари тўғрисида маслаҳатлашмоқда; илғор ҳайдовчилар И. Набиев ва А. Йўлдошевлар иш устида.***

*Ш. Шаропов (ЎзА) олган сурат.*



## *Истиқлол календари*



### 1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ

Шу кунгача Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини дунёдаги 101 та мамлакат расман эътироф этди. Уларнинг сони кун сайин кўпайиб борар эди.

### 1992 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛЬ

«Республиканинг янги олий ўқув юртларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга биноан қатор вилоятларда фаолият кўрсатаётган педагогика институтларига университет мақоми берилиб, бир қанча институтлар филиаллари мустақил олий ўқув юртларига айлантирилди ва жойларда Тошкентдаги айрим олий ўқув юртларининг бўлимлари ташкил этилди.

### 1992 ЙИЛ 2 МАРТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессияси ялпи мажлисида мустақил Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолигига қабул қилинди.

### 1992 ЙИЛ 2 МАРТ

Наманган вилоятидаги Мингбулоқ туманида нефть кони кашф этилди.

### 1992 ЙИЛ 16 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати «Ўзбекистон Республикасидан чақирилган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни чақириб олиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга биноан собиқ Иттифоқ республикалари ҳудудида ҳарбий мажбуриятни ўтаётган ўзбекистонлик йигитлар бир ой муддат ичида ватанига чақириб олинди.

### 1992 ЙИЛ 16 МАРТ

Тошкентда илк хорижий давлат элчихонаси — АҚШ элчихонаси очилди.

### 1992 ЙИЛ 19 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилоятининг Мингбулоқ конидан отилиб чиқаётган нефтнинг тарқалишига йўл қўймаслик, мазкур минтақадаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

---

*«Халқ сўзи» анкетаси:* МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМИЗДА

# ҲЕЧ ҚАЧОН ДЕҲҚОН-ФЕРМЕРЛАРНИНГ НОНИ ЯРИМТА БЎЛМАСИН

**Баҳриддин ТОНГЁРИҚОВ, Жиззах вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи.**

***1. Сиз ва жамоангиз байрамни қандай кутиб олаяпсиз?***

***2. Беш йил мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни энг характерли, деб ҳисоблайсиз?***

***3. Истиқлол сизга нима берди ва аксинча сиз уни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпсиз?***

***4. Ислоҳотларнинг янада муваффақиятли кечиши учун тағин нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?***

1. Аввало, шундай нуфузли газета орқали унинг кўп минг сонли муштарийлари билан юзма-юз бўлаётганлигимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, юртимизнинг барча ҳудудларида ўз касбини эъзозлаб, эл-улусга хизмат қилаётган касбдошларимни, нишонланишига саноқли кунлар қолган Мустақиллик айёмининг беш йиллиги билан самимий табриклайман.

Тўй-маъракаларга қуруқ қўл билан бориш азалдан ор ҳисобланиб келинади. Шу ҳислат қон-қонимизга сингиб кетганиданми, ўзбеклар ҳеч бир байрамни совға-саломсиз кутиб олишмайди. Бу ҳам халқимизнинг қадр-қиммати, урф-одати бециёс эканлигидан далолат.

Кўпчилик қатори, жамоамиз ҳам баҳоли қудрат меҳнат қилиб келаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг 174-қарори асосида вилоят ва туман ветеринария бўлимлари қошида малакали мутахассислардан иборат ихтисослашган бўлимлар ташкил этилиб, аҳолига пулли ветеринария хизмати кўрсатиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди. Вилоятда 1153 та фермер хўжаликлар билан шартномалар тузилиб, уларга туманлардаги 45 та зооветеринария пункти, 20 та ветеринария дорихоналари орқали бугунгача бир ярим миллион сўмликдан зиёд пулли хизмат кўрсатилди. Ўтган йилга нисбатан хизмат кўрсатиш пунктлари 23 тага, дорихоналар эса 3 тага кўпайтирилди.

2. Ўтган беш йилда қишлоқда бошланган иқтисодий ислоҳотлар кўлами тобора илдиз отиб, хўжалик бошқарувининг янги шакл-шамойиллари ривож топаётгани кимни қувонтирмайди, дейсиз. Тадбиркорлик, ишбилармонликка шаҳару қишлоқда бирдек йўл очиб берилгани, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштириш сари йўл тутилгани айнан Мустақиллик неъмати эмасми? Собиқ Иттифоқ даврида бир қарич ер, битта бинони шахс тасарруфига берилганини эшитганмисиз? Шулар ҳақида ўйласам, ўтган беш йилда халқимизга жуда катта имкониятлар берилганини ҳис этаман. Қолаверса, яқиндагина ишга тушган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси айнан Истиқлол меваси эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 мартдаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори халқимиз ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу ҳаётий ҳужжатни вилоятимиз аҳолиси нечоғлик мамнунлик билан кутиб олганлигини биласизми? Қарор ижроси қадрини чўл шароитида яшаб меҳнат қилаётган деҳқон, ичимлик сувини бир неча чақиримдан ташиб келтираётган қишлоқ аёли теран ҳис этади... Қўриқ ерларда турмуш маданиятини изга солиш, юксалтириш бугунги Истиқлол фидойилари, йўлбошчилари чекига тушди. Буни эл-юрт кўриб, юракдан ҳис этиб, уларнинг ҳар бир даъватини қўллаб-қувватлаб турибди.

3. Ҳозирча, менинг «Мустақилликка, юртнинг келажагига фалон маънода ҳисса қўшдим» дейишим учун ҳали анча эрта. Аксинча, Мустақиллик бизга, айнан мен хизмат қилаётган соҳа мутахассисларига кўп нарса берди. Биз илгарилари фақат ўзимизда чиқарилган вакциналар билан иш юритар эдик. Хорижий фермерларнинг ўта сифатли касалликларга тез таъсир этувчи дори-дармонларини фақат ўқув қўлланмалари, ёки хорижий матбуот нашрларидан ўқиб билардик. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тамал тоши қўйилган айрим ҳамкорлик фаолиятлари бугун кутилганидан ҳам кўпроқ самара бераяпти. Германиянинг «Байэр», Швейцариянинг «Сиба», АҚШнинг «Эланко», Польшанинг «Польфо» фирмалари вакиллари билан Ўзбекистон ветеринар-врачларининг шериклик асосидаги фаолияти бунга мисол бўла олади. Ўша журналларда ўқиган самарали дори-дармонлар бугун Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудидаги фермер хўжалигигача етиб бормоқда.

4. Вилоятимизнинг кўпгина хўжаликларида чорвачиликнинг аҳволи қониқарли эмас. Бундан ташқари 114 мингдан зиёд аҳолининг ёрдамчи шахсий хўжаликлари бор. Табиийки, бу ветеринар-врачлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бугунги ислоҳотлар кўлами ана шу хизмат масъулиятини янада ойдинлаштирмоқда. Бир пайтлар ветеринария соҳасини қайсидир, мақсадлар туфайли танлаб номига диплом олиб, пичоғи мой устида бўлиб келган «мутахассислар» энди соҳани ташлаб, имконияти даражасидаги ишга қўл ураяпти. Хуллас, ислоҳот — ислоҳотлигини қилаяпти. Тўғри-да, қачонгача, оддий дори-дармоннинг ҳам хусусиятини билмайдиган врачлар туфайли шарафли касб ходимлари шаънига таънаю дашномлар ёғилади?

Бугун асосий эътибор ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган экан, демак, жойларда қонунларни устиворлиги тўлиқ таъминланиши, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқ ва камчиликларга муросасиз бўлиш, тадбиркорлик сифатлари мужассам ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш лозим. Чунки Ўзбекистон бир сўмини икки сўм қиладиганлар айнан шу ишбилармон ёшлар.

Яна бир тилагим — ҳеч қачон деҳқон-фермерларнинг нони яримта бўлмасин. Афсуски, ҳозирча унинг ташаббусига қулоқ тутмайдиган раҳбар тўралар, айниқса, қуйи бошқарув тизимида учраб турибди. Шунинг учун аксарият ҳолларда ислоҳотлар кўлами айнан ўша босқичларда «депсиниб» қолаётир...

---

*ҚИШЛОҚ ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРАСИ*

**Марказий Фарғона чўли ҳудудида жойлашган Мингбулоқ тумани узоқ йиллар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган хом ашё базаси бўлиб келди. Мустақилликка эришилгандан сўнггина туманда саноатни ривожлантиришга эътибор берила бошлади. Йирик пахта заводи ва чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил топди.**

# ИККИ ЙИЛДА ОЛТИ МИЛЛИОН СЎМЛИК ҚУРИЛИШ

— Айни чоғда саноатни қишлоқларга олиб кириш, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда кичик корхоналар, цехлар ташкил қилиш асосий вазифаларимиздан бирига айланди, — дейди туман «Истиқболстат» бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими муовини Тожиддин Исоқов. — Ҳозир туманимизда ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Бу ишларни амалга оширишда хусусий тадбиркорлар кўмагига таянаяпмиз. Улар ўз маблағлари эвазига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, бозорларимизни тўлдирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг: «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорини туманимиз фаоллари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқиб, шу асосда қишлоқларимизни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тузиб олдик.

Дастур асосида қурилиши тугалланмаган маориф, тиббиёт иншоотларини фойдаланишга топшириш ҳамда янгиларини бунёд этиш ишлари ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Жумладан, туман марказий шифохонаси қошида 200 ўринли туғруқхона, «Гигант» жамоа хўжалигида йирик пахта заводи ҳамда «Фарғона» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари учун шаҳар типидаги қўрғон қурилишлари давом этмоқда.

Туманда 63 та қишлоқ кенгашлари бўлиб, уларнинг марказларида барча қулайликларга эга бўлган гузарлар барпо этиш режалаштирилган. Шу кунга қадар, «Ўзгариш», Гўртепа, Гулбоғ, Момохон қишлоқ кенгашлари марказида ана шундай гузарлар ишлаб турибди. Бу ерларда сартарошхона, нонвойхона, қассобхонадан тортиб, радио-телевизор устахоналаригача мавжуд. Шунингдек, тумандаги барча ташкилотлар ва жамоа хўжаликлари ҳашар йўли билан «Гигант» жамоа хўжалигининг боғи ўрнига 200 ўринли ўқувчилар оромгоҳи барпо этишди. Бу лагер учун уч миллион сўм маблағ сарфланди. Эндиликда туман меҳнаткашларининг болалари шу ернинг ўзида мириқиб дам олмоқдалар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бунинг аҳамияти катта.

Вазирлар Маҳкамасининг Қароридан сўнг тумандаги барча қишлоқ кенгашлари қошидаги фельдшер-акушерлик пунктларини кенгайтириш ва қайта жиҳозлашга киришилди. Бундан ташқари ҳунар-техника билим юрти ўрнида ташкил этилган бизнес мактаби янги биносини қуриш бошлаб юборилди. Келажакда бу мактаб нафақат туман балки вилоятда малакали мутахассислар етказиб бериш марказига айланади.

Умуман, туманда 1996-1997 йиллар давомида қишлоқларни ривожлантириш бўйича 6 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаш режалаштирилган.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---



# «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА ГАЗЕТХОН

## «АВТОБУСДА ЮРГАН РАҲБАР...»

**И. РЎЗИЕВ,**
**Шаҳрисабз тумани,**
**Аммоғон қишлоғи.**

1. Газета чоп этилган кундан бошлаб обунаман.

2. Эълон қилинаётган мақолалардан давлатимиз ички ва ташқи сиёсатига доир шарҳлар, Президент Фармонларининг ижроси ҳақидаги мақолалар, мамлакатимиз тарихини ёритиб бераётган материаллар маъқул.

3. Менинг назаримда жуда яхши.

4. Ҳабиб Абдуллаев, шунингдек, ҳозирги АҚШ Президенти ва жаҳонга машҳур бўлган даҳолар ҳақида қизиқарли ҳикоялар беришларингизни истардим.

5. Оддий кишиларнинг фикрини кўпроқ эшитиш. Хусусан, иқтисодий ислоҳотлар даврида оддий ишчи, оддий тадбиркор, деҳқон ўз касбини давр талабига мослаб олиб бораяптими? Ислоҳотлардан деҳқон қандай манфаатдор? У ернинг ҳақиқий эгаси бўлиши тўғрисида аниқ фикрлар ва шу хусусда давлат кафолатлари.

6. «Халқ сўзи»ни мамлакатимиз ҳаётини акс эттирувчи, адолатни қарор топтиришда ўз ҳиссасини қўшаётган ва бошқа нашрлар орасида энг йирик газета, деб биламан. У орқали газетхон давлат бошқаруви ва Президент Фармонларига бўлган мустаҳкам ишончини топади. Шу боис қабул қилинган қонун, қарор ва фармонларнинг ижроси жойларда қандай бажарилаяпти, уларни аҳоли қандай кутиб олаяпти? Шунингдек, уларни ҳаётга тадбиқ этишда қандай муаммолар тўсқинлик қилаяпти? Кўрилган амалий чора-тадбирлар тўғрисида ишончли, таъсирчан мақолаларни янада кўпайтириб бориш лозим.

7. Менинг фикримча, «Автобусда юрган раҳбар», «Ошхонада овқатланадиган, бозорга харидга борган ҳоким» сингари қизиқарли, кўпчилик учун кутилмаган рукнлар ташкил этилиб, бу мавзуларда тез-тез мақолалар бериб борилиши керак, деб ўйлайман.

Чунки автобусга минмаган, ҳамма қатори ошхоналарда овқатланиб кўрмаган, бозор-ўчарга, дўконга харидга бормаган, оддий фуқаро билан ўзини яқин олиб, у сингари юракдан гаплаша олмайдиган раҳбарнинг «Халқни севаман, халқ учун ишлайман, унинг аҳволини биламан» дейишига шахсан мен ишонмайман. Яқинда кичик бир ташкилот бошқарувчисининг гапини тасодифан эшитиб қолдим: «Худога шукур, 18 йилдан бери автобусга минганим йўқ!» Шунда мен айтдимки, насиб этсин! Лекин сиз халқдан ажралиб қолибсиз...

## ГАЗЕТХОНЛАР ФИКРИГА ЭЪТИБОРНИ ТАҒИН-ДА КУЧАЙТИРИНГ

**Р. ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Булоқбоши тумани,**
**нафақахўр.**

1. Мен газетангизни 1991 йилдан яъни, нашр этила бошлаган кундан бери ўқиб келаман.

2. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган туркум мақолалар, қишлоқ жойларидаги ислоҳотлар, ютуқ ва муаммолар, шунингдек, ҳуқуқ масалалари ҳамда одоб-ахлоқ ҳақидаги мақолаларни қизиқиб ўқийман.

3. Уларнинг мазмуни, услуби ва савиясини шахсан мен юқори баҳолайман.

4. Газетада бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломованинг хотин-қизларнинг жамиятимизда тутаётган ўрни ва фаолиятига доир маърузаларини ўқиб боришни, санъаткорлардан раҳматли Комилжон Отаниёзов ҳаёти тўғрисида хотира мақолалар бериб борилишини истардим.

5. Менинг назаримда: «Аёл ва бозор иқтисодиёти», «Жамият ва аёл», «Аёл қадр-қиммати» ва одоб-ахлоқ мавзулари редакция эътиборидан бир қадар четда қолаётганга ўхшайди.

6. Газетанинг савиясини янада юқори поғоналарга кўтариш учун газетхонлар фикр-мулоҳазаларини билишга диққат-эътиборни тағин-да кучайтириш, халқ орасида бундан ҳам кўпроқ бўлиш ва уларнинг дардларини, муаммоларни ўрганиш ҳамда газетангиз саҳифаларида мана шундай турли хил мавзуларда сўровномалар ўтказиш зарур, деб биламан.

7. Тарихимиз, қадриятларимиз ва ташаббускор истеъдодли ёшлар фаолиятига оид ҳамда турли касб эгалари бўлган хотин-қизлар билан давра суҳбатлари, ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари, «Тўйлар ҳақида ўйлар» мавзуларидаги мақолалар ўқувчиларни қизиқтиради.

---

*Виждонсизлик*

**Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Қора ўзак тумани «Қора буға» фуқаролар йиғини оқсоқоли К. Тўраевнинг кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилаётган ёрдам пулини белгилашда ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўяётганлиги танқид қилинган эди.**

# ЁРДАМ ПУЛИНИ «ТУЯ» ҚИЛАЁТГАНЛАР

Жумладан, унинг, ҳатто қўшни Чимбой туманида истиқомат қилаётган «баъзи бировларга» ҳам ёрдам пули бериб юборгани аниқланди. Буни қарангки, давлат ҳисобидан «олийҳимматлик» намуналарини кўрсатаётган бундай «саховатпеша»лар Қорақалпоғистонда ёлғиз эмас экан. Бу соҳада ҳатто Тўраевни йўлда қолдириб кетадиганлари ҳам чиқиб қолди. Масалан, Нукус шаҳар 10-сонли макон (маҳалла) кенгашининг раиси Жўлдосбой Қутлимуродовни олиб қаранг. Боз устига, бу хайр-саховат бевосита қаерга денг, авваламбор ўз оиласи аъзоларига қаратилгани билан ажралиб туради. Унинг хотини Зебо Алиакбаровага «кам таъминланган оила аъзоси» сифатида ҳар ойига 500 сўмдан ёрдам пули ажратиб келаётгани маълум бўлиб қолди. «Олийҳиммат» ота давлат ҳисобидан бериладиган бундай эҳсондан қизлари Раъно ва Марина Қутлимуродоваларни ҳам бенасиб қолдирмади. Қисқа фурсат ичида уларнинг ҳам ҳар бирига 1500 сўмдан «ёрдам пули» берилди.

Хуллас, мазкур маҳалла кенгашида ёрдам пули учун навбатнинг энг олдинги қаторларини кўча бийлари ва макон кенгаши комиссияси аъзолари эгаллади. Масалан, макон кенгаши комиссияси аъзоси Обод Ёржанов ўз номига 1996 йилнинг февраль, март, апрель ойлари учун 1500 сўм, хотини Рая Холбоева номига ўтган йилнинг декабрь, жорий йилнинг январь, февраль ойлари учун жами 1875 сўм, ўғли Оллобергаң Ержанов номига олти ойга жами 3000 сўм, келини Назира Сапарниёзова номига эса уч ойга 1500 сўм олган. «Қизкетган уйи» бийи Қувватбой Успонов ҳам ўз номига 9 ой узлуксиз, жумладан, ўтган йилнинг фақат уч ойига 2250 сўм, қизи А. Успонова номига эса ўтган йилнинг апрель, май, июнь ойлари учун жами 1500 сўм «ёрдам пули» олган. Енг ичида тарқатилаётган беминнат бу «қурбонлик оши»дан ушбу макон кенгашининг Муқимий номли кўчаси бийи А. Бобожонов, Сарбиноз кўчаси бийи К. Исаевлар ҳам бебаҳра қолишмаган. Уларга ҳам турли ойлар мобайнида давлат маблағидан беминнат «ёрдам» бериб келинган.

Хўш, «ёрдам пули» деганлари нима ўзи? Аҳир бу соддароқ қилиб айтганда мамлакатимизда «қозонини сувга ташлаб қўйган» бирорта хонадон қолмасин, деган ниятда давлат томонидан ажратилаётган маблағ эмасми? Бу пулларнинг бевосита маҳаллалар орқали тарқатилаётганидан муддао эса, ташқаридан келган бирорта одам ҳеч қайси хонадоннинг асл аҳволини маҳалла фаолларидан яхшироқ билмайди. Ёрдам пули бу мамлакатимиз юритаётган ижтимоий сиёсатнинг ҳаммаси эмас, бир қирраси, холос. Ва, айтиш мумкинки, энг таъсирчан қирраларидан биридир.

Мана шу масъулиятли ишлар ишониб топширилган одамларимизнинг ҳаммаси ҳам, бу ўринда турли маҳаллалар ва макон кенгашлари оқсоқоллари ҳамда фаоллари бировнинг ҳақига кўз олайтирмаслик даражада имонли ва инсофлими? Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони эса, ўша ёрдам пуллари майли, баъзи нопок кимсалар томонидан чегириб қолинган бўлсин, майли, бир оз қоғозбозлик қийинчиликларидан кейин бўлсин, лекин ҳақиқатдан ҳам фақат кам таъминланган оилаларгагина бориб етаяптими? Афсуски, ҳар доим бундай эмас. Баъзан бева-бечоралар қолиб, бу маблағлар баъзи устомонларнинг — ушбу ёрдам пулини белгилаш ваколатига эга бўлганларнинг чўнтагига тушмоқда. Уларни «бева-бечоранинг ҳақига ҳам чанг соламанми?» деган ҳақли савол қийнамайди.

Ниҳоят сўнгги масала. Маълумки, ёрдам пуллари белгилашда расман асос бўлиб оиланинг жон бошига кўрадиган даромади, яъни маош олиб ишловчи оила аъзоларининг умумий даромади шу оиланинг ҳамма аъзоларига бўлинганида келиб чиқадиган миқдори ҳисобланади. Масалан, 4 кишилик оилада икки киши, яъни эр-хотин ишлайди, уларнинг икки нафар фарзанди бор дейлик. Эр хотиннинг ойлиги ҳар бирига минг сўмдан. Буни 4 кишига бўлсак, 500 сўмдан тўғри келади. Маҳалладан ёрдам пули олиш учун эса, айтайлик, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган миқдор 450 сўмдан ошмаслиги керак.

Бошқа жойларни билмадик, лекин Қорақалпоғистонда ёрдам пули кўпинча кечиктирилмасдан, бунинг устига нақд сўмда берилади. Айни пайтда кўпчилик корхоналарнинг, жамоа хўжаликларнинг ишчи-хизматчилари эса маошларини уч-тўрт ой кечикиб, устига-устак аксарият ҳолларда ҳисоблашиш чеки билан олишади. Энди ушбу оилада бир одам ишламай қўйса, улар нима йўқотади? Бор-йўғи қўлларига 3-4 ойдан кейин тегиши мумкин бўлган минг сўмлик ҳисоблашиш чекини. Хўш, улар нима наф кўради? Маҳалладан масалан, 750 сўм миқдорида ёрдам пули белгиланиши мумкин (75 сўм нақд пул бозор баҳосида 1 минг сўмлик ҳисоблашиш чеки дегани). Бундан ташқари, оилада бир ишчи қўли бўшайди, у болаларга қараши, қўли бўш пайтда майда-чуйда билан олиб-сотарлик қилиши мумкин. Мана шунақа, оддий ҳисоб-китоблардан кейин, эру-хотин баробарига ишни қўйиб, маҳалладан белгиланган ёрдам пулига солиқ назорати бўлимидан патент сотиб олиб, бозорда олибсотарлик билан шуғилланиб ўтирганлари йўқми, дейсиз? Лекин бундан жамиятта қандай наф бор?

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

